

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 8

Андижон шахар

« 30 » апрель 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «*Буюртмачи*» деб аталувчи Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят худудий филиали номидан низомга асосан бош врач К.М.Ёркулов бир томондан ва «*Пудратчи*» деб аталувчи " NURULLO DIYOR QURILISH " МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи директор М.Газыев иккинчи томондан келишув асосида келишув асосида амалдаги конунларга мувофиқ тузилди.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «*Пудратчи*» мазкур шартнома шартларига мувофиқ Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят худудий филиалида мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриягини олади. «*Буюртмачи*» эса «*Пудратчи*»га курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга олиш мажбуриягини олади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «*Буюртмачи*» томонидан тасдикланган смета ва 2022 йил 28-апрелдаги лот № 75145 савдо голибининг таклифига асосан ишлар қиймати (барча солиқлар, йигимлар- ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда 191 550 000 ( Бир юз туксон бир миллион беш юз эллик минг ) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор холатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлимидаги рўйхатга олингандан сўнг 3 банк иш кунида «*Буюртмачи*» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30% фоизини яъни 57 465 000 ( Эллик етти миллион турт юз олтмии беш минг ) сўмни, бюджет маблағлар хисобидан олдиндан аванс тариқасида «*Пудратчи*»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 % фоизи, яъни 134 085 000 ( Бир юз уттиз турт миллион саксон беш минг ) сўмини «*Пудратчи*» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси Ф-2 ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар Ф3 буюртмачининг таклиф килган тулов жадвалига асосан хисоб килади.

2.5. «*Буюртмачи*» охирги тўловни «*Пудратчи*» томонидан иш тўлиқ бажариладиган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «*Буюртмачи*» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### **III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари**

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан қабул килиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва бажариб топширади. Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

#### **3.2. «Пудратчи»нинг хуқуқлари**

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс хақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида етказилган заарни қопланишини талаб қилиш;

#### **3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари**

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида хақ тўлаш;

#### **3.4. «Буюртмачи»нинг хуқуқлари**

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштироқида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини назорат қилиш;

### **IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га хар бир кечикирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида хақ тўланмаса, хар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 % и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечикирилган тўловларнинг 50 % и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган заарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

## V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро мухокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро мухокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Конун хужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Фазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2021 йилгача амал қиласди.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хукукий жихатдан тенг кучли хисобланади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### «ПУДРАТЧИ»

#### " NURULLO DIYOR QURILISH "

МЧЖ Манзил: Избоскан туман  
х/р: 2020800005308633001

Банк номи: Узсаноатқурилишбанк  
Андижон минтакавий филиали  
МФО:00075  
ИНН: 307929324



Рахбар:

(имзо)

М.Газыев



### «БУЮРТМАЧИ»

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят худудий филиали ИНН: 200238132  
Манзил: Андижон шаҳар Ю.Отабеков кучаси 9 ўй  
х/р: 400321860034017073201054010  
Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Газничилиги ИНН: 201122919 ОКОНХ: 91513  
Марказий банк Тошкент шаҳри ББХКМ



Бош врач:

(имзо)

К.М.Ёркулов

М.ў.

